

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**МОДДИЙ АҲВОЛИ ОФИР ЁШЛАРГА БИР
МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ
БҮЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

Моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш бўйича услугбий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 16 б.

Тузувчи: А. Сагдулоев

Ушбу услугбий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда бу борада ажратиладиган субсидия ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
МОДДИЙ АҲВОЛИ ОФИР ЁШЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ	5
“ЁШЛАР ДАФТАРИ” НИМА?	6
ЁШЛАРГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?	8
БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАЙСИ ТОИФАДАГИ ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАДИ?	9
ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБРАТ?	10
МОДДИЙ ЁРДАМНИ ОЛИШ УЧУН ЁШЛАР ЕТАКЧИСИГА ҚАНДАЙ ШАКЛДА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?	11
ШАХСГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛИШИ УНИ “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ДАН ЧИҚАРИШГА АСОС БЎЛАДИМИ?	14

КИРИШ

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ижтимоий-иктисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда **тадбиркорлик субъектлари** ва **хонадонлар** ўртасида **иктисодий кооперацияни** кенгайтириш мақсадида “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш асосида “оғир” маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича **янгича ёндашув** республикада татбиқ этилмоқда.

Шу сабабли, Адлия вазирлиги томонидан маҳаллаларда **кооперация шаклида** тадбиркорликни ташкил этишда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётни жорий қилиш, шунингдек ушбу жараённи аҳолига содда ва тушунарли кўринишда етказиш мақсадида **Моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш бўйича услубий қўлланма** ишлаб чиқилди. Мазкур услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга эга**.

Мазкур қўлланмада бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун белгиланган тартиб, мурожаат қилувчи ёшлар тоифаси, мурожаат қилиш тартиби, уларни ваколатли шахслар томонидан кўриб чиқиш босқичлари, шунингдек субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш асослари фойдаланувчилар учун содда ва тушунарли тарзда келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатишда маҳалла мұҳим ўрин тутади. Бунда «маҳалла еттилиги» хусусан, «ёшлар етакчиси» маҳаллада моддий ёрдам кўрсатилишига мұхтож бўлган ёшлар тоифасини аниқлаш, уларга тавсияномалар бериш ҳамда бир марталик субсидия ажратилишида кўмаклашади.

МОДДИЙ АҲВОЛИ ОГИР ЁШЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги “**Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**”ги ПФ-196-сон Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “**Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ-209-сон Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “**Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-92-сон қарори;



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартағи “**Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**” 132-сон қарори;



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “**Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 312-сон қарори.



“ЁШЛАР ДАФТАРИ” НИМА?

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг мўаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.



“ЁШЛАР ДАФТАРИГА” ҚЎШИЛИШ ЁШИ?

“Ёшлар дафтари”га **14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан** ошмаган қўйидаги тоифадаги ёшлар киритилади:

- ✓ оила аъзоси “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган;
- ✓ ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган;
- ✓ **боқувчисини йўқотган**, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;
- ✓ ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ✓ ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ишга лаёқатсиз;
- ✓ I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- ✓ фарзандида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- ✓ жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;
- ✓ ота-онасидан бирида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- ✓ юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;

- ✓ зўравонлик ва эксплуатация, табиий оғатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;
- ✓ “Меҳрибонлик” уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оиласидаги болалар уйида тарбияланган;
- ✓ ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
- ✓ даволанишга муҳтож бўлган бемор ёшлар;
- ✓ жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган;
- ✓ муайян яшаш жойига эга бўлмаган;
- ✓ психологик маслаҳатга муҳтож;
- ✓ никоҳи қайд этилганига **З йилдан** ошмаган ёш оила;
- ✓ **декончилик** ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
- ✓ ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

“ЁШЛАР Дафтари”ГА КИРИШ УЧУН КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

**“Ёшлар дафтари”га кириш учун мурожаат қилиш
воситалари:**

яшаш манзили бўйича сектор раҳбарига;

www.yoshlardaftari.uz платформаси орқали
электрон шаклда;

1093 қисқа рақамлари орқали оператор билан
боғланган ҳолда;

ёшлардафтари телеграм бот орқали
(@yoshlardaftari_bot).

“ЁШЛАР Дафтари”ГА КИРИТИЛГАН ЁШЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ?

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга қуийдаги ёрдам берилади:

- ✓ тадбиркорлик, касб-хунар, ҳайдовчилік ва касбга қайта тайёрлов курсларида үқитилади;
- ✓ тадбиркорлик фаолиятini бошлаш учун микрокредитлар ва субсидиялар ажратилади;
- ✓ иш билан бандлиги таъминланади;
- ✓ етакчи тадбиркорлар ва уста ҳунармандларга бириктирилади;
- ✓ иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида деҳқончилік фаолияти учун 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади;
- ✓ “Ёшлар дафтари” жамғармаси томонидан **молиявий хизматлар күрсатилади**;
- ✓ тиббий, ҳуқукий ва психологияк ёрдам күрсатилади.

ЁШЛАРГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?



Ёшларга бир марталик моддий ёрдам күрсатиш – “Ёшлар дафтари”га киритилган моддий ақволи оғир ёшларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан күрсатиладиган молиявий күмак.

БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ МИҚДОРИ ҚАНЧАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ?

“Ёшлар дафтари”га киритилган **моддий аҳволи оғир ёшларга** бир **марталик моддий ёрдам** тегишли тартибга мувофиқ ҳар бир индивидуал ҳолатда ариза берувчининг ҳаётий вазияти мураккаблигини, унинг ижтимоий ҳимояга мұхтож эканлигини инобатга олган ҳолда **БХМнинг 4 бараваригача** миқдорда түлаб берилади.

ЭСЛАТМА! 2023 йил 1 декабрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **340 минг сүм** қилиб белгиланган.

БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАЙСИ ТОИФАДАГИ ЁШЛАРГА КҮРСАТИЛАДИ?

Бир марталик моддий ёрдам “Ёшлар дафтари”га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга күрсатиласы:

- ✓ “Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди.
- ✓ “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар фарзанди.
- ✓ “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оила фарзанди (шахс).
- ✓ Оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мұхтож ёш фуқаро.
- ✓ **Боқұвчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган** ижтимоий ҳимояга мұхтож ёш фуқаро.
- ✓ **Ўзгалар парваришига мұхтож** бўлган ишга лаёқатсиз ёш фуқаро.
- ✓ I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
- ✓ Ногиронлиги бўлган **бала парвариши** билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири);
- ✓ Ота-оналардан бирида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса **фаолиятини тўхтатган** ҳолда bemорга қарашга **мажбур бўлган** ёки ота-онасида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.

- ✓ Табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида **ҳаётига, соғлиғига, мұлкига зарар етгән** ёш фуқаро.

БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ НИМА АСОСИДА КҮРСАТИЛАДИ?

Бир марталик моддий ёрдам ёшларга **моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги тавсиянома** асосида күрсатилади.

БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ АЖРАТИШ ҲАҚИДАГИ ТАВСИЯНОМА КИМ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИ?

Бир марталик моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги тавсиянома **маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан берилади**.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Қуидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:


- ✓ маҳаллаларда ёшларнинг бүш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этишга жалб этиш;
- ✓ ишсиз ёшлар ва мактаб бити्रувчилари бандлигига күмаклашиш, жумладан “Ёшлар бандлиги дастури”ни маҳаллада амалга ошириш;
- ✓ **давлат күмагига мұхтож “оғир” тоифадаги ёшларнинг ҳаётда үз үрнини топишларига күмаклашиш;**
- ✓ ҳуқықбұзарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқықбұзарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш;

- ✓ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг мұаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга күрсатыладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш;
- ✓ хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- ✓ иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш;
- ✓ ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна күрсатиши;
- ✓ шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилни мукаммал ўрганиш.

Эслатма! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига асосан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада **ёшлар етакчиси лавозими** жорий этилган.

МОДДИЙ ЁРДАМНИ ОЛИШ УЧУН ЁШЛАР ЕТАКЧИСИГА ҚАНДАЙ ШАКЛДА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

“Ёшлар дафтари”га киритилган шахс бир марталик моддий ёрдам ажратишини сўраб **маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза беради**.



АРИЗА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА КҮРИБ ЧИҚИЛАДИ?

Бир марталик моддий ёрдам ажратиш бўйича ариза **3 босқичдан** иборат тартибда кўриб чиқилади. Жумладан:

- бир марталик моддий ёрдам ажратиш бўйича ариза маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан
- бир марталик моддий ёрдам ажратиш бўйича ариза Васийлик кенгаши томонидан
- бир марталик моддий ёрдам ажратиш бўйича ариза туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан кўриб чиқилади.

АРИЗА МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ?

Маҳалладаги ёшлар етакчиси **3 иш куни** ичида ариза берувчининг **ижтимоий тоифаси** ва ҳолатини ўрганади ҳамда моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки **рад этиш тўғрисида хабарномани** Васийлик кенгашига юборади.

АРИЗА ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ?

Маҳалладаги ёшлар етакчисининг моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги ижобий тавсияси асосида **Васийлик кенгаши** қарори қабул қилиниб, **7 иш куни** ичида туман (шаҳар)лар ҳокимликларига юборилади.


“ЁШЛАР ДАФТАРИ” ЖАМҒАРМАСИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ

Васийлик кенгаши

“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида қонунчилек ҳужжатларида белгиланган тартибда **манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат таркибда тузиладиган коллегиал орган**

АРИЗА ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ?

Васийлик кенгаши қарори асосида туман (шахар)лар ҳокимликлари “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни **3 иш куни** ичида **Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали)**га ўтказади.



МОДДИЙ ЁРДАМ ТЎЛОВЛАРИ АРИЗА БЕРУВЧИГА ҚАНЧА МУДДАТДА ВА ҚАНДАЙ ШАКЛДА ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ?

Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловларини **уч иш куни** ичида ариза берувчига **нақд ёки нақд пулсиз шаклда** тўлаб беради.



ЎЗ ВАҚТИДА ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНМАГАН МОДДИЙ ЁРДАМ ТҮЛОВЛАРИНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Ойнинг охирги иш кунида қайдномалар ёпилади, тайинланган, бироқ **ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам**, уни олувчининг номидаги **максус депозит ҳисоб рақамига ўтказилади** ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади.

Шунингдек, **ойнинг 27-кунига қадар** тўланмаган моддий ёрдамга йўналтирилган маблағлар **ҳар ойнинг охирида** тегишли ҳисоб **рақамларга қайтарилади**. Қайдноманинг бир нусхаси Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади.



Ариза берувчи томонидан **талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисоб рақамига қайтариш чоралари кўрилади.**

СУБСИДИЯНИ БИР НЕЧА МАРОТАБА ҲАМ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Йўқ, моддий ёрдам моддий аҳволи оғир шахсга **бир календарь ийл давомида бир маротаба** берилади.

ШАХСГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛИШИ УНИ “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ДАН ЧИҚАРИШГА АСОС БЎЛАДИМИ?

Йўқ, моддий аҳволи оғир шахсга бир марталик моддий ёрдам берилиши уни **“Ёшлар дафтари”**дан чиқаришга асос бўлмайди.

“ЁШЛАР ДАФТАРИДАН” ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ЧИҚАРИЛАДИ?

“Ёшлар дафтари”дан қўйидаги ҳолларда чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатлар белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг ижара харажатлари қопланганда ёки мазкур фаолият учун зарур бўлган асбобускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилганда;
- турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ўз аризасига кўра;
- “Ёшлар дафтари”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;
- бошқа давлатларга ишлаш ёки доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- аризачига кўмак бериш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;
- аризачи вафот этган тақдирда.

**“Ёшлар дафтари”га киритилган ва моддий аҳволи оғир ёшларга
бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш тартиби**
СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	Бир марталик моддий ёрдам ажратишни сўраб, яшаш жойидаги маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза беради.	“Ёшлар дафтари” га киритилгандан сўнг
2-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ижтимоий тоифаси ва ҳолатини ўрганиб, моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги тавсияномани ёки рад этиш тўғрисида хабарномани туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига юборади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчисининг моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги тавсияси асосида Васийлик кенгаши қарорини қабул қиласди ва туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.	7 иш куни ичида
4-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни “Халқ банки”нинг тегишли бўлими (филиали)га ўтказади.	3 иш куни ичида
5-босқич	Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали)	Бир марталик моддий ёрдам тўловларини ариза берувчи – жисмоний шахснинг хоҳишига кўра нақд ёки нақд пулсиз шаклда тўлаб беради.	3 иш куни ичида

ТУМАН (ШАҲАР)ЛАРДАГИ “ЁШЛАР ДАФТАРИ”
ЖАМҒАРМАСИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) ҳокимлари, Васийлик кенгаши раиси
2. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, Васийлик кенгаши раиси ўринбосари
3. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари
4. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) прокурорлари (*келишув асосида*)
5. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари
6. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) аҳоли банддилигига кўмаклашиш марказлари бошлиқлари
7. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари
8. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) спортни ривожлантириш бўлимлари бошлиқлари
9. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) маданият бўлимлари бошлиқлари
10. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари
11. *Лавозимига кўра* — туман (шахар) молия бўлими бошлиқлари
12. *Лавозимига кўра* — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг туман (шахар) марказлари бошлиқлари
13. *Лавозимига кўра* — Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлими бошлиқлари, Васийлик кенгаши котиби